

Баъзи исмлар худонинг исмига тўғри келиб қолади. Масалан: Азиз.

21:27 / 27.04.2016 8009

Баъзи исмлар худонинг исмига тўғри келиб қолади. Масалан: Азиз. Бундай исмларни қўйиш мумкинми?

Бу саволда ҳам ана шундай жоҳиллик бор, билимсизлик бор, тушунмовчилик бор. Азиз Аллоҳнинг исми экан нима учун энди Абдулазиз деб қўйиш керак эмас, нима айнан Азиз дейиш керак. Ҳозир бор одамларнинг ичида Азиз дейишади, Карим дейишади ёки Жаббор дейишади, турибди, юрибди. Лекин аслида шуни қўйганда, Абдулазиз, Абдулкарим, Абдулжаббор деб қўйилган. Азиз Аллоҳнинг исми "Абд" қўшилса бандаси бўлади, Азиз исми Аллоҳнинг бандаси бўлади, Карим исми Аллоҳнинг бандаси, Жаббор исми Аллоҳнинг бандаси бўлади. Ана Аллоҳнинг исмига тўғрилаб исм қўйиш эмас, балки Аллоҳга бандалик маъносини англатувчи исм қўйиш керак. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз ҳадисларидан бирида, "исмларнинг энг яхшиси, бандалик маъносини англатувчи ва Аллоҳга ҳамд, мақтов маъносини англатувчи исмлардир, исмларнинг яхшиси Абдуллоҳ, Абдурахмондир" деганлар. Ана Аллоҳнинг исмларини билар эканмиз уларнинг олдига "Абд" сўзини қўшиб, Абдуллоҳ, Абдурахмон, Абдурахим, Абдумалик деб гўзал исмларни қўйишимиз керак. Бизда аксинча Абдуллоҳ, Абдумалик, Абдуғаффор деб қўйилган, ҳужжатларини ўқисангиз шу гаплар турибди, лекин муомалада Ғаффор, Раҳим дейилади. Бу нотўғри нарса, бу нарсани тушунишимиз керак, фарзандларимизга исм қўйишда ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз ва бу хатоларимизни тўғрилаб боришимиз лозим ва лобуддир.